Болалар хафтаси муносабати билан болалар тарбияси тўгрисида бир оз ёзмок фойдадан холи бўлмаса керак.
Бизда болалар тарбияси кадар ахамият берилмаган бир масала йўкдир. Шунинг учун кундан-кун хар жихатдан карор чекмакдамиз десак хато килмагон бўламиз. Болалар тарбияси тўгрисида бузукликлар шунча кўбки, кай еридан бошламок кишини обдиратадир.
Хох болаларнинг моддий тарбиясини олингиз, хох маънавий тарбиясини олингиз — тарбия конунларига мухолиф бўлгон ўрунлари кўбдир. Биз тарбияга ахамият бермаганмиз. Холбуки, Пайгамбаримиз бизга: «Ал-илму илмайни; илму абдан ва илму адян», деб илмнинг турларини айтмок билан бизга бадан илми, яъни моддий тарбияни маънавий тарбиядан, яъни дин тарбиясидан ажратиб кўрсатмишлар.
Бизим эски тириклилигимизда бадан илми биринчи даражани тутар эди. Биз аввалдан аскарликка ахамият берган миллатларнинг биринчилариданмиз. Бу тарих китобларини мутолаа килгон хар кишига маълумдир.
«Турклар от устида юрар, от узаринда ухлар ва ўлар эди», деган сўзлар тарих китобларининг хар кайсисида бор. Шу сўзлар бизда бадан тарбиясининг не даражадалигини, не даражага чикгонини кўрсатадир.
Хозирда бўлса, аскарлик нари турсин, бадан тарбиясининг анчадан ва бошлангичларидан махрумдирмиз.
Болаларимиз бешик деган бир нарсага богланадирким, бу боланинг хануз котмагон миясини алжитмакдан бошка иш килмайдир. Болани ухлатмак максади билан бешик тебратишлар кандай мудхиш, кандай ёмон холлардир!
Шу моддий тарбия бахсинда овкат масаласида... Болаларимизнинг киссаларини хамиша майиз ва бошка нарсалар билан тўлдириб юриш ва уларни кўлларига тушган нарсаларни егизиб туриш согликни сактамок тўгрисида ёмон эканлиги маълумдир.
Таомда вакт тайин килмаслик нихоят ёмон бир киликдир. «Хазм» куч билан бўлар, меъдани кучсизлантирар. Кишининг соглигига зарар берадир. Болаларни бир хўр киладир.
Бу маънавий тарбияга хам халак берадир. Болалар очкўз, эрка бўладирлар. Бу эса орамиздаги ёмон одатлардан эканлиги хар кимга маълумдир. Оёк-кўллари эгри-букри, огзи-бурни кийшик болалар шундака тарбиянинг хосилидирлар. Болаларимизнинг маънавий тарбиясига келсак, мундан хам ёмон холларга учраймиз. Болаларни кўркутканда «ана ола пўстак келди, ана ола бўжи товуши келаётибдир, (ўрусга берай олиб кетсун бўлмаса)» деган сўзларимиз болаларга ёмон таъсир киладир.
Мунинг таъсири анча-мунча эмас, жуда катта ва кўбдир. Хатто шу ижтимоий инкилоб вактида ўз хукукимизни ололмаслигимизгада таъсири тамоман шуникидир. Шу тарбиянинг таъсиридирким, хали хам оврўпаликлардан, ўруслардан кўркамиз. Ўрусларни риоя киламиз, мусулмонларга килмагон хурматларни ўрусга киламиз. Бу кичкина бир вокеа ва кичкина бир зарар эмасдир. Бир махкамада бир ўрус бўлса, кўркуб кирмаймиз. Олдимизга бир ўрус эмас, ўрус каби биров келса, ихтиёрсиз ўрнимиздан турамиз, кўл ковуштирамиз.
Кўчада болаларимиз бир ўрусни кўрса кочадир. Бир неча боламиз бир ўрус ва ё оврўпали боласи кўлида ўйинчок бўлиб юрадир. Бизнинг тарбиямизнинг шу ўрни инкилобнинг берган тенглигидан бизни махрум килгондир. «Сут билан кирган мизож

жон билан бирга чикадир», деган макол мазмунича бу таъсир биздан ўлмагунча кетмайдир. Демак, биз шу таъсир натижасинда хазирча тегизлик конунидан зохиранда фойдаланмаймиз. Бу хол мунда турсин, бизнинг болаларимизда шундай тарбиядадирлар. Агар биз хозирда шу тарбияни ташлаб, янги бош-оёк, сог шижоатлик ёнур кишилар етиштиришка киришмасак, биздан сўнг келатургон наслда шу ахволда бўладир.
Мунинг иложини кўриш биринчи даражада ота-оналарга ва муаллимларга тушадир. Мана хозир ясалиб тургон болалар хафтаси шундай камчиликларнинг иложини килиш, ёмон-яхши томонларни халкга англатиш учун ясаладир.
Бу хафтага хар бир кишининг кўлидан келганича ёрдам кўрсатиши керакдирким, шу ахволда бўлгон болаларимиз ўзларининг келажакдаги дунёларини, яъни адолат, мусоват ёхуд дунёсининг хакикий хомийси ва эгаси бўлсунлар.

«Болалар тарбияси» маколаси 1921 йил 21 февралда «Мехнаткашлар табриги» газетасида босилган.